

Мақолаизни психолог олим Э.Ғозиевнинг ижодий тафаккур “мураккаб билиш фаолиятидан бири бўлиб, тадрижий равишда, изчил ўзаро боғланган жараёнлардан ташкил топади: дастлаб саволлар тузилади, вазифа аниқланади, масалани ечиш ёки саволларга жавоб қидириш жараёни вужудга келади. Инсон олдида турган аниқ вазифа ёки масала –

бажарилиши ёки ҳал қилиниши зарур бўлган саволнинг ифодасидир. Намоён бўлган вазифа (масала) кўпинча ифодаланиши шарт бўлган мақсадни ҳам ўзида акс эттириб келади. Мақсад эса инсоннинг изланаётган номаълум воқеликни топишга гумон ва ҳаяжон, шубҳа, ҳислардан қутулишга қаратилган майлидир” [9] деган ибораси билан яқунламоқчиман.

Адабиётлар

1. www.ziyouz.com kutubxonasi. Қ ҳарфи. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003.
2. www.ziyouz.com kutubxonasi. Ф ҳарфи. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003.
3. Farmonov O'. Boshlang'ich sinf o'qituvchilari ijodiy faoliyatining o'ziga xos jihatlari // Xalq ta'limi. –Тошкент, 2016. № 6.
4. www.ziyouz.com kutubxonasi. И ҳарфи. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003.
5. Амирова Г., Джураев Б. Болалар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг оптимал йўллари // Uzlusiz ta'lim. –Тошкент, 2015. №5.
6. Ergasheva G. Talabalarda ijodiy fikrlashni rivojlantirishning asosiy komponentlari // Xalq ta'limi. –Тошкент, 2017. № 5.
7. Toirova M. Maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish texnologiyasi // Xalq ta'limi. –Тошкент, 2019. №2.
8. www.ziyouz.com kutubxonasi. Т ҳарфи. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.
9. G'oziyev E. Psixologiya. – Тошкент: O'qituvchi, 2008.

РЕЗЮМЕ

Мақолада шахс камолотига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллар, хусусан, ўмумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларида ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари ва дидактик талаблари хусусида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются факторы, влияющие на развитие личности, и в частности, педагогические психологические условия и дидактические требования, необходимые для развития креативного мышления у учащихся начальных классов общеобразовательных школ.

SUMMARY

The article is devoted to the study of factors that influence on a person's development. In particular, the author investigates pedagogical and psychological conditions and didactic requirements necessary for the development of creative thinking of pupils in primary classes of general educational schools.

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ТАБИАТ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ИНСОН РУҲИЯТИГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

А.Б.Қодирова – катта ўқитувчи
Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: руҳий олам, маърифат, фалакиёт, астрономия, астрология, мучал йиллар, бурж, тўрт фасл, табиат, об-ҳаво, наврўз кирган кун, инсон тақдири, мижози.

Ключевые слова: духовный мир, духовность просвещение, астрономия, астрология, гороскоп, зодиак, четыре времени года, погода, день Навруза, судьба человека, клиент.

Key words: the spiritual world, spirituality, astronomy, enlightenment education, space science, astrology, zodiac, four seasons, of the year nature, weather, day of arrival, of holiday Navrus, fate of a man, client.

Ҳаким Термизий кўпгина қомусий олимлар каби умрининг охирида илми қол – дунёвий илмлар билан ҳам жиддий шуғулланган. Аллома бу соҳадаги тадқиқотларида ҳам тасаввуф ғоялари ва ақидаларига амал қилган: моддий (қасрат) олам руҳий оламнинг маҳсули, тажаллиси, зуҳури, жилваланиши, яъни моддий олам руҳий оламнинг мавжудлигини тасдиқловчи ашёлар, шакллар, илми қол, илми ҳол билан узвий боғлиқ, у руҳий оламни – моҳиятини англамоқ, маърифатни эгалламоқ, ҳақиқат (руҳи муйлақ)га эришмоқ учун моддий (табиат, жамият, ҳайвонот, наботот қатлавлари)ни ўрганиш, билиш зарур, бу жараён айни замонда, инсон билан Аллоҳ ўртасидаги хижоб (тўсиқ)ни олиб ташлаш, инсонни руҳий оламга йўналтириш (уруж)га имкон берадиган восита ҳамдир, деб тушунади. Демокчимизки, Ҳаким Термизийнинг табиат, фалакиёт ва табобатга бағишланган асарлари, жумладан, “Наврўзнома” ва “Солнома” рисоалари тасаввуфий қарашдан ажралган – соф дунёвий асарлар эмас, унда “ваҳдат ул - вужуд” ғояси бевосита ўз аксини топган [3:61].

Бир қарашда “Наврўзнома” ва “Солнома” рисоалари бирор бир мантиқий қоида-қонуниятга асосланиб тузилмаган, “фолбин”лик, тахминий фикрлардан иборат асарларга ўхшайди. Қолаверса, бу рисоалар ўзбекчалаштирилиб, кирилл алифбесида нашр этилгандан кейин ҳам ўқувчилар эътиборини у қадар жалб этмади, шекилли. Ҳолбуки, бу асарлар ўн бир аср умр кўрган, узоқ тарихий даврни кечиб, катта тўсиқлардан ўтиб, бизгача етиб келган; одамларнинг

яшаш тарзини енгилаштиришда қўлланилган, ҳаётнинг кўпгина “сиру синоати” яширинган китоб – “фолнома” сифатида эъзозланиб сақланган, ўз соҳиби учун даромад манбаи бўлиб ҳам хизмат қилган; ҳатто душман вилоятларга ошкор этилмаган, бир неча марта, бир қанча тилларга таржима қилинган ва ҳ.к. бу масалада, яъни “Наврўзнома” ва “Солнома”ни баҳолашда бизнингча, кўпчилигимиз ҳам тайёр эмасмиз. Чунки бу соҳани тушуниш – фалакиёт, астрология, география, физика, математика, химия, анатомия, биология, ҳаттоки, илоҳиётшунослик каби қатор фанлардан хабардорликни тақозо қилади [3:62].

Нақл қилибдурларким, бир замонда бир ҳаким бор эрди, унинг номини хожа Али Ҳаким Термизий дер эрдилар. Аллоҳ таоло анга бир юз йигирма йил умр бериб эрди. Олим фозил ва муттақий (художўй) эрдилар. Илми ҳикматда ниҳоят даражада қомил ва жамии фунун (ҳамма фан)лардан олим эрди. Кўп йиллар умр кўриб, вужудоти ихтилоф (низо, зиддият) замонларни кўп кўриб, тўрт фасл йилларидан кўп тажриба қилган эрди. Ҳаттоки, ўз замонидаги подшоҳ ва дехқонлар ҳар иш қилсалар ва нарса эксалар, ушбу ҳакимнинг маслаҳатиға мувофиқ қилиб иш қилсалар ва эксалар кўп фойда ва манфаат топар эрдилар[3:62-63].

Шул жиҳатдан подшоҳи замон ул ҳакимга илтижо қилиб буюрдиким: “Сиз бизларга бир рисола жам қилиб берсангиз, ўзингизда ниҳоят даражада тажриба бўлган умри зарурият (зарурий иш)ларни ёзиб борсангиз, токи ғойбона ва ҳозирона (тириклигингизда ҳам, йўқлигингизда ҳам), ҳаттоки, қиёматгача сиздан

ёдгор бўлиб, жамии ўқиган ва эшитган одамларга тўлиқ фойда бўлиб, садакаи жория бўлса,” - деб илтимос қилди.

Подшонинг амрига кулоқ солиб, хўжа Ҳаким Али Термизий ушбу фойдани (рисолани) ўз забони (тили) бирлан баён қилди. Айтдиларки, Аллоҳ таоло менга юз йигирма йил умр берди, аксарини илми нужум (астрономия) ва ҳикматга сарф этдим, замон ўзгариши ва кунларнинг ўтишидан кўп тажрибалар ҳосил қилдим. Ҳаракати афлок ва қавокиб (осмон ва юлдузлар ҳаракати), сайёра ва нужум (ёритқич)ларнинг ҳар қайсисини тулуъ (чиқиш) вақтини ва ғуруб (ботиш) вақтини, қайси фалакда турар ва қайси буржда ва қайси вақтда чиқиб ва қайси вақтда ботиб ва қайси нарсага далолат қилур, қайси нарсани тарбият қилур ва қайси нарсага савд (яхши) ва қайси нарсага наҳс (ёмон) бўлушини хўб яхши тажриба қилдим ва кўп машаққатлар тортиб, наврўзи олам янги бўлиши билан шу йил ичинда бўладурган нарсаларнинг аломатларидан фаҳм қилиб, аҳволларидан хабар берур эрдим, то илми нужумни бир ҳафтага келтирдим ва ҳар куннинг аҳволи нечук бўлушини топдим ва тажриба қилиб, ушуб нусхани ёздим, токи мусулмонлар наф олсунлар, хусусан, деҳқонлар кишти қор (экин-тикин)ларини шунга қараб эксалар, биладурларки, бу йил қайси экин яхши бўлур ва қайси экинлар қиммат ва қайси ҳаллари арзон бўлур, шунга қараб амал қиладилар [3:63].

Ва аҳволи кўх (тоғ) ва дашт ва аҳволи подшоҳ ва фуқаролар ва савдогарлар ва ҳаннот (дон олиб сотувчи савдогарлар) ва чорпо (хайвон)ларни не аҳволи йилнинг аввалида, ўртасида, охирида қандай бўлушини тажриба юзасидан ёздим, токи ҳар қим ўқиса, тақвим (календарь)га мухтож бўлмас ва ҳар қанча замон ўтса ҳам, бу нусха эскирмас [3:63].

Шундан сўнг олим наврўзи олам якшанба куни дохил бўлса (қирса), Шамс (Қуёш)га, душанба куни дохил бўлса, Қамар (Ой)га, сешанба куни дохил бўлса, Миррих (Марс)га, чаҳоршанба куни дохил бўлса, Аторуд (Меркурий)га, панжшанба куни дохил бўлса, Муштарий (Юпитер)га, жума куни дохил бўлса, Зухра (Венера)га, шанба куни дохил бўлса, Зухал (Сатурн)га тааллуқли бўлишини ва бу йилларда қандай самовий, заминий воқеалар, яхши-ёмон, бахтли-бахтсиз ҳодисалар юз бериши формулага солиниб қоидалаштирилган [3:63-64].

Масалан, наврўзи олам шанба куни дохил бўлган (Зухал юлдузи таъсирида) 1998 йилда юз берган воқеликларни “Наврўзнама” матнининг мазмунига қиёслайлик: “Ушбу йил (1998 йил) баъзи шаҳарларда қаҳатчилик бўлмай, ёлғир кўп ётмай, хунрезлик (қон тўкишлик) ҳам кўп бўлмай. Жануб соридин (томони)дан лашкар пайдо бўлур, уруш ва суқуш, ўғри ва қароқчи кўп бўлмай, фитна ва ёлғон фош бўлмай. Кузги экинлар яхши бўлмай ва мевалар камроқ бўлмай, йил охирида совуқ қаттиқ бўлмай, киши узок бўлмай” [3:64].

Ҳаким Термизий “Солнома” яратишда наврўзи олам ҳафтанинг қайси кунда дохил бўлишига эмас, у (наврўзи олам) мучалнинг қайси йилига тўғри келишига – қайси мучалда дохил бўлишига эътибор берган.

Маълумки, мучал йиллари ўн икки йилда наврўзи олам (21 март) билан бир мартадан учрашади. Бунда олимни наврўзи олам қирган йил (масалан, ҳамдуна) қизиқтиради: мана шу йилда (12 ойда) юз берган барча воқеликлар (ер, қуёш, юлдузлар ҳаракати, кеча, кундуз ва фасллар алмашуви қабила) муттасил текширилиб, кузатилиб ҳулосага келинган. Англашиладики, бунда бирор йил (масалан, ҳамдуна) 12 йилда бир марта, 24 йилда икки марта,... 48 йилда тўрт марта (бошқалари ҳам шундай) таҳлилдан ўтади. “Солнома”да бир йил

учга: йил аввали, йил ўртаси ва йил охиридаги воқеаларга бўлиб баён қилинган. Қуйида паланг (йўлбарс) йили (1998 йил) қирган наврўзи олам воқеликларини “Солнома” матни билан қиёслайлик: “Бу йилда подшоҳлар ўртасида адоват ва гина кўп бўлмай, жанг-жадал (уруш) ва хунрезлик (қон тўкиш) кўп бўлмай, хусусан, эрон тарафида муҳолифат (зиддият) кўп бўлмай, чаҳорпо (хайвон)ларга ҳалокат кўп бўлмай. Тоғларда дарранда (йиртқич хайвон)лар кўп бўлмай, дарёда кишти (кема)ларга офат етмай (бу кўпроқ ҳаво ҳалокатларига тўғри келади) ва мевалар кам бўлмай, сол (йил) охири яхшилик бўлмай” [3:64].

Англашиладики, йилнинг асосий воқеликлари матн мазмунини акс эттирган. Маълумки, ер қимирлаши, ой, қуёш тугилиши, юлдуз (комета, метеорит)лар тушиши, сув тошқинлари, об-ҳаво қандай бўлиши, вабо, очарчилик, курғокчилик каби ҳодисаларни ҳозирги фан кўп ҳолларда олдиндан сезиб, хабар бера олади. Инсоният бу масала билан қадимдан шуғулланган. Фолбинлар, қохинлар, қуръачилар, таъбирчилар, кейинчалик пайғамбарлар, авлиёлар, муллолар самовий жисмларга, юлдузлар авзойига қараб, бўлажак воқеликлар ҳақида хабар берганлар. Бўлажак воқеликлардан хабардор бўлишга ҳамма қизиққан, хусусан, бундан подшоҳлар, савдогару деҳқонлар, сайёху денгизчилар, чорвадорлар жуда манфаатдор бўлганлар [3:64-65].

“Наврўзнама” ва “Солнома”ни яратишда Ҳаким Термизий, Аҳмад Фарғоний ёки Улуғбек каби бирор астрономик қурилма ясагани, йўқми, бизга номаълум, албатта. Лекин олим шарқ астрономик мактабидан яхши хабардор бўлган, ҳинд фалакиётшунослигини ўрганган. Олимнинг замондоши ва ҳамюрти Мухаммад Сағоний Устурлобий ҳам йирик астроном бўлган ва ўзи бир қанча янги астрономик асбоблар (устурлоб) кашф этган [3:65].

Ҳаким Термизийнинг яна бир буюклиги шундаки, у инсон замон ва макон билан узвий – унинг бўлаги, шу сабаб заминни ва самовотни ҳам ўрганиш зарур эканлигини тушунган. Фаслларни ўрганмоқ учун вақтнинг миқдор жиҳатдан дақиқа, соат, кун, ҳафта, ой ва йилга ажралишидан, айни замонда, дақиқалар соатга, соатлар кунга, кунлар ойга, ойлар йилга жамланишидан ва буларнинг номланишлари (масалан: кунлар якшанба, душанба, ...; ойлар: барот, рамазон, ...; йиллар: муш, бақар, ...)дан фойдаланади. Олим: “Чексиз машаққат тортиб, илми нужумни бир ҳафтага келтирдим. Ўн икки ойни ўн икки жониворга бирлаштирдим”, дейди [3:65].

Англашиладики, Ҳаким Термизий ҳужрада ўтириб “Наврўзнама” ёзмаган. Фасллар хусусиятини, юлдузлар ҳаракатини, кун ва тун ҳолатларини ўрганишда ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан жиддий кузатувлар, риёзий таҳлил, ҳисоб-китоблар олиб борган, албатта. Афғон шамолининг қачон бўлиши: бошланиши, қанча давом этиши, қачон тугашини бир ҳафта олдиндан айтганлигини баъзилар авлиёликка йўйса, баъзилар мушрикликда айблаганлар. Ёки баъзи табиий офатларни олдиндан айтганлиги учун кофирликда айбланиб, Термиздан уч марта бадарға қилинганлиги, бир мартасида Нишопурга кетиб, ҳақимияга асос солганлиги ҳақида хабарлар мавжуд [3:65].

Шуни ҳам айтиш кераки, одамлар кўп вақт “Наврўзнама” ва “Солнома”дан фолнома, толеънома сифатида фойдаланганлару, унинг моҳиятини – мантикий асосини баъзи бир реал воқелик билан боғлиқ бўлмаган томонларидан фарқлай олмаганлар. Ҳаким Термизийнинг ўзлари ҳам ҳар бир баён охирида “валлоху аълам биссабо” (“Тўғриси Аллоҳнинг ўзи биледи”) деб ёзгандир. Бу қамтарлик. “Наврўзнама” ва “Солнома”да ер ҳаёти саайёралар ҳаракати билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Бошқача айтганда, ер ҳаёти, одамлар тақдири ва бошқалар наврўзи олам ҳафтанинг

қайси кунда дохил бўлишига қараб белгиланган. Бу бир қарашда асоссиз гапларга ўхшайди. Лекин олим ҳафтанинг “фалон” кунни дохил бўлган йил “фалон” сайёрага тааллуқлидир деб таъкидлайдики, астролог назари билан қаралса, бунинг заминида жиддий донишмандлик мавжудлиги сезилади. Чунки ер, жумладан одам етти хил бошқа-бошқа сайёралар (Қуёш, Ой, Миррих, Аторуд, Муштарий, Зухра, Зухал) тасарруфида, демак, етти йил бир-биридан фарқли воқеалар таъсирида, бир-биридан фарқли муҳит қуршовида яшайди. Ҳақим Термизий на шу муҳит таъсирида ерда, жумладан, инсон тақдирида, мижозиди юз берадиган ўзгаришларни тақвимлаштирган [3:65-66].

“Солнома”ни ёзишда наврўзи олам ҳафтанинг қайси кунда эмас, қайси мучал йилида дохил бўлишига, яъни бўлажак янги йил қандай бўлиши – бу йилнинг қайси жонивор номи билан аталганлигига қараб белгиланган. Бизнингча, бу ерда қараётган йилнинг қайси жонивор номи билан аталганлиги аҳамиятсиздир. Ердаги ҳаётни, йил фасллари ни ёки инсон хусусиятини, фаолиятини ҳайвон хусусиятидан, мучалидан келтириб чиқариш ғайритабиийдир. Инсон билан унинг мучали (ҳайвон) ўртасида фазилат, мижоз, хусусият жиҳатидан ҳеч қандай боғланиш йўқ. Ном предметни, чунончи, инсон моҳиятини акс эттирмайди [3:66].

Ҳақим Термизийнинг донишмандлиги шундаки, у мучалдаги 12 йил самовий 12 бурж таъсиру тасарруфида бўлишини, ер ҳаёти ана шу бурж томонидан бошқарилишини аниқлаган. Дарҳақиқат, инсон бирор бурж остида туғилиб, унинг таъсирида яшар экан, гени (уруғи, зуваласи, нутфаси) шу муҳитда йўғрилиди, шаклланди. Бу унинг мижози, ақл-заковати, яшовчанлиги қабилига салбий ё ижобий таъсир қилади. Ҳаттоки, олим инсоннинг қандай бўлишини бурж остидаги йилнинг бошида, ўртасида ва охирида туғилишига ҳам боғлиқлигини таъкидлайди. Ҳақим Термизийнинг ер ҳаёти самовий олам томонидан бошқарилиши ҳақидаги бу таълимоти ҳозир космоснинг ерга, атмосфера (иқлим)нинг бузилиши, инсон мижозига таъсири тўғрисидаги олимларимиз фикрига ҳамохангдир.

Табиб Абдулазиз: “Асабийлашиш вужуд соғлиғидан ташқари иқлим шароитига, ойнинг қайси кунлигига, мавсумга, юлдузлар ҳаракатига ва ҳар бир одамнинг мучали билан ҳам боғлиқлиги бор” деганда, назаримизда, одамнинг мучали фалон жониворлигига эмас, қайси бурж остида туғилганлигини назарда тутган бўлса керак [3:66].

Саида Бону “Даҳо” мучаллар мақоласида ёзади: “Мучаллар ҳам даҳо ёки буюк бўладими? Одатда инсоннинг ақл-заковати уни буюкликка элтмайдими? Ёки қайси бурж остида туғилиши ҳам одамнинг келажагига дахлдор бўла оладими? Қарама-қарши шундай саволлар туғилиши мумкин. Қачонки биров “даҳо” мучаллар бўлади, деган фикрни айтса, у ҳақми? Албатта, шундай фикрловчиларни мутлақо ноҳақ демокчи эмасман”. Муаллиф мана шундай мулоҳазалар

ва қизиқарли саволлар қўйгандан кейин, қўпгина тождорлар: Мао Цзедун, Гитлер, Чингизхонлар, 42 та Америка президентларининг 10 таси илон ва тўнғиз йилларида туғилганлигини ҳисобга олиб, шу икки йилни “даҳо” мучаллар деб айтади. Биз юқорида инсон тақдири, буюклиги, бахтсизлиги қайси бурж остида туғилганлиги билан алоқадор, йил-мучал (жонивор номи) билан боғлиқ эмаслигини Ҳақим Термизий ғояларига асосланиб таъкидлайди [3:67].

Қачонлардир йиллар номсиз айланаверган. Лекин ўн икки бурж доимий мавжуд. Ўшанда ҳам, ҳозир ҳам қўллаб ноқасу норасолар “даҳо” мучалларида туғилганки, бу исбот талаб эмас. Маълумки, қадимги турк ҳоконларидан бири йиллар ҳисобини олиш, тарихни унутмаслик, одамлар ёшини белгилаш мақсадларида мучални кашф этган. Манбаларда, ривоятларда 12 йилнинг номланиши, масалан, мучалда қатнашадиган ҳозирги 12 жонивор номининг олиниш тарихи, уларнинг тартибланиши, мучалнинг сичқондан бошланиши (йил боши) айна замонда, инсон ёшини ҳисоблашдаги аҳамияти ҳақида фикрлар баён этилган [3:67].

Маълумки, ҳар бир ижодкор ўз даврининг фарзанди, уни у яшаган даврдан ажратиб ўрганиб бўлмайди; унга ўзи яшаган даврдан туриб баҳо берилади. Ҳ.Термизий яшаган тарихий, фалсафий-мафкуравий муҳитни англашда, ўйлашда, профессор Н.Комиловнинг яна қуйидаги фикрлари бизга ёрдам беради; олим IX аср бошларига келиб тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилганлигини, сўфийларнинг рухий, психологик машқлари ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниктириш тадбир-усуллари шакллانганлигини, тариқат, маърифат ва ҳақиқат тушунчалари юзга келиб, тасаввуфнинг ушбу уч қисмига оид қарашлар мажмуи тузилган – тасаввуф маҳсус фан сифатида қарор топганлигини, сўфийни тарбиялаш вазифаси, пир-муридлик қоидалари одобини яратиш зарурати туғилганлигини, натижада шариат ва тариқат, соҳидлик ва орифлик орасидаги муносабатлар, сўфийларнинг одам ва одам моҳияти, алоқа муомаласи, тавҳид қаби масалалар мунозарага сабаб бўла бошлаганлигини, дин арбоблари билан сўфий шайхлар, айниқса, фалсафийлашган тасаввуф тарафдорлари жиддий мафкуравий тортишувларга борганликларини, тасаввуф бутун ислом оламида забт этиб, барча қадимий шаҳарларда хонақоҳлар, йўлларда рабоблар қурилганлигини ва бунда қўллаб шоғирлар тайёрлана бошлаганлигини, тасаввуфнинг ilk даврида мақомат ва тариқат асосларини ишлаб чиқиш, сўфийлик йўриқларини, вазифаларини белгилаш ва бунда филолий ҳақиқатларни эл орасида ёйишда, хусусан, Зунун Мисрий (796-861), Боязид Бастомий (вафоти 875 йил), Ҳақим Термизий (вафоти тахм. 932) ва Мансур Ҳаллож (858-922) нинг хизматлари бекиёс бўлганлигини, бу даврда Бағдод, Басра, Нишопур, Термиз, Балх шаҳарлари тасаввуф ва тариқат марказлари сифатида муҳим ўрин тутганлигини алоҳида таъкидлайди [3:39].

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. 56-б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” 2016.
3. Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳақим ат-Термизий таълимоти. –Тошкент: Университет, 2000.
4. Муртазоев Б. Ал-Ҳақим ат-Термизий илм зикрида.// Термиз Давлат университети илмий тўплами. –Тошкент: 2003.
5. Убайдулло Уватовнинг «Ал-Ҳақим ат-Термизий»(ҳаёти ва мероси). –Тошкент: 2001, 35-37-б.

РЕЗЮМЕ

Ал-Ҳақим ат-Термизий умрининг охирида илми қол – дунёвий илмлар билан ҳам жиддий шуғулланган. Аллома бу соҳадаги тадқиқотларида ҳам тасаввуф ғоялари ва ақидаларига амал қилган: моддий олам рухий оламнинг маҳсули, жилваланиши, яъни моддий олам рухий оламнинг мавжудлигини тасдиқловчи ашёлар, шакллар, илми қол, илми ҳол билан узвий боғлиқ, у рухий оламни – моҳиятини англамоқ, маърифатни эгалламоқ, ҳақиқатга эришмоқ учун моддий (табиат, жамият, ҳайвонот, наботот қабили)ни ўрганиш, билиш зарур, бу жараён айна замонда, инсон билан Аллоҳ ўртасидаги ҳижоб (тўсиқ)ни олиб ташлаш, инсонни рухий оламга йўналтиришга имкон берадиган восита ҳамдир, деб тушунади.

РЕЗЮМЕ

Ал-Ҳақим-ал-Термизий к концу своей жизни серьёзно занимался естествознанием. Учёный в исследованиях этой отрасли опирался на представляемые идеи и нравоучения. Это является средством материального мира, отблеском, то есть доказатель-

ством, формой подтверждающей о существовании психологического мира, которые взаимосвязаны с духовными науками. Он считал, что психологический мир – это осознание сущности, освоение нравственности, достижение истины путём познания и изучения материальности (природы, общества, животного и растительного мира). Этот процесс в данное время воспринимается как средство, дающее возможность направить человека в психологический мир, и убрать преграду между человеком и Аллахом.

SUMMARY

At the end of his life, al Khakim at-Termizi was engaged in secular science. The scholar adhered to the ideas and beliefs of mysticism in his research's. The material world is a product of the spiritual world and it's glitters, namely, the material world is inextricably linked with the objects, forms, knowledge which confirms the existence of the spiritual world, its substance (nature, society, animals, plants); to understand the spiritual realm; It is also necessary to understand the process which means to remove the veil between man and God, and to direct man to the spiritual realm.

БРОНХИАЛ АСТМА БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ ПСИХО-ЭМОЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ю.К.Нарметова - психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тошкент тиббиёт академияси

Таянч сўзлар: касаллик, стресс, рухий-эмоционал ҳолат, аллерген, психоген, соматогения, хуруж, таъсирчанлик, кўрқув, сезгирлик, атопик.

Ключевые слова: болезнь, стресс, психоэмоциональное состояние, аллергены, психогенные, соматогенные, приступ, чувствительность, страх, чувствительность, атопия.

Key words: illness, stress, psycho-emotional state, allergens, psychogenic, somatogenic, attack, sensitivity, fear, sensitivity, atopic.

Тиббиёт ходимлари томонидан бронхиал астманинг психологик таркибий қисмлари тадқиқ этилиши, узок тарихга эга. Аллергия феномени очилгунга қадар, астма биринчи ўринда асаб тизими касалликлари тоифасига кирган бўлиб, тиббиётга доир эски манбаларда «asthma nervosa» деб номланган.

З.Фрейд [1] ўзининг дастлабки изланишларида алмашинув жараёнини тасвирлаб, унга кўра, ушбу жараён инкор қилинган психик мазмунни тана феноменларига айлантиради. Босилган, мажбуран сиқиб чиқарилган аффектлар, айрим сабабларга кўра, амалга оширилмаган ҳоҳиш-истаклар психик кувватнинг соматик соҳага кўчиши ва бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши, “нишон” аъзоларнинг касалликлари орқали юзага келиб, моҳиятан конверсия жараёнининг ички аъзога ўтиши ҳисобланади.

Сўнгра, иммунологиянинг тараққий этиши, ҳамда анафилаксия иборасининг ишлаб чиқилганлиги, диққат-этиборнинг барчасини астманинг аллергик компонентига қаратилган, “рухий-эмоционал назария” эса орқа даражага ўтиб, эскириб қолган дея ҳисобланди. Бироқ психосоматик тиббиётнинг тараққий этиши билан астманинг этиологияси жонланади [2]. Турли хил олимлар (Ф.Данбар, Виттковер) бронхиал астманинг (БА) ривожланишида кўплаб эмоционал омилларнинг ўрни бўлиб, бу ерда ҳар қандай турли қутилмаган интенсив эмоционал кўзгатувчилар – жинсий ҳоҳиш, хавотир, рашк ва ёрқинлик. J.Halliday ўз эътиборини астманинг йиғи билан боғлиқлигига қаратмоқда.

Ф.Александера ўзига хослик назарияси нуқтаи назардан, низоли вазиятларда ривожланаётган вегетатив невроз, сурункали даражада қайтарилаётган эмоционал ҳолатга тана аъзосининг физиологик жавоби дея кўриб чиқмоқда. Шу билан бирга муаллифнинг тахмин этишича, кўпинча парасимпатик иннервация орқали юзага келадиган аффектлар БАга олиб келади [3]. Бироқ, шу вақтнинг ўзида Ф. Александер шуни таъкидлайдики, БАнинг этиологиясида эмоционал омилларни тан олган ҳолда, аллергик омилларнинг таъсири ҳақида ҳам унутмаслик лозимдир. Шундай қилиб, этиологик омилларнинг икки тоифаси – эмоционал ва аллергик (психологик ва физиологик) ҳолатлар марказий муаммо бўлиб қолмоқда. Психологик омилларнинг муҳимлиги ҳақида Ф.Александер келтирилган маълумотлар ҳам кўрсатмоқдаки, Чикаго психоанализ институтида текширувдан ўтган кўп сонли астматикларда, маълум бир аллергик сезгирлик тоифаси аниқланган бўлиб, шу билан бирга, айрим касалларда аллергик сезгирлик даволаниш муддати якунлангандан сўнг, астма ўтиб кетса ҳам, тери текширувларида эса аллергия аломат-

лари сақланган

Бугунги кунда, БА полиэтиологик касаллик ҳисобланади. Бу билан бирга, тиббий адабиётларда кўрсатилишича, БА болаларга юкумли бўлмаган этиологик (атопик) шакли кўпроқ учрайди

БАнинг атопик шаклининг асосий сабаблари, юкумли бўлмаган аллергенлар, физиологик, метеорологик, ҳамда асаб-психик, стресс таъсирлар ҳисобланади [4, 5].

Сўнги пайтларда касалликнинг вужудга келиши ва тараққий этишида психоэмоционал ёки психоген омилнинг ўрни юқорилиги таъкидламоқда. Бу ўткир ёки сурункали ташки таъсирнинг психик соҳа орқали когнитив ва эмоционал аҳамиятга эга бўлиб, унинг таъсири остида психогеник вазияти бажарадилар [3]. Клиник кузатишлар шуни кўрсатдики, БА билан касалланганларнинг кўпчилигида психоген кўзгатувчилар ва бўғилиш хуружлари ўртасида узвий алоқа мавжуд экан. Психогениянинг таъсири астмани намоён бўлиши турли хил усуллардан, шунингдек, кўр ва иккиламчи кўр усулларидан фойдаланиб, текшириб исботланган. Бундай тадқиқотларнинг прототиپлари И.А.Булнинг кузатишлари бўлган, унга кўра, астма билан касалланган инсонни астма бўғилишини кўзгатиш ва тўхтатиш учун гипнотик таъсир билан амалга ошириш мумкин. Адабиётларда БАнинг оғирлашуви, айниқса кўп ҳолатларда сурункали психик зарбалар билан боғлиқ [3]. Хусусан, П.И.Бул бир аёлнинг касаллик тарихини тасвирлаганда унда биринчи хуруж, немис босқинчилари томонидан опаси, поччаси ва фарзандлари отиб ташанганлиги битилган мактубни ўқиш жараёнида бошланди. Хуружларнинг тезлашуви янги психик зарбалар (фронгда турмуш ўртоғининг ҳалок бўлиши), мураккаб ҳаётий вазиятлар (ҳалок бўлган деб ҳисоблаган турмуш ўртоғининг қайтаётганлиги ҳақидаги хабарлар) сабаб бўлди.

П.К.Булатов БАни аллерго-юкумли касаллик деб билиб, унинг хуружини ташқи ва ички патоген кўзгатувчиларга жавобан шартли ёки шартсиз рефлекс сифатида намоён бўлади, деб таъкидлаган. У бир воқеликни тасвирлаб, унда БА билан касалланган аёлда шартли кўзгатувчи “Ялта” сўзи бўлган. Айнан Ялтада аёлда ёқимсиз хотира сифатида биринчи хуружи бўлган. Р. Morawitz бир касални кузатган, унда атиргулларнинг ифोरини хидлаганда касали хуруж қилган. Шу билан бирга унинг хуружи шунчалик тез бўлардики, ёнига олиб келинган атир гул қоғоздан бўлса ҳам, уни англашга улгурмасдан хуружи тутарди.

Психо-физиология нуқтаи назаридан астманинг этиологияси нейроэндокрин тизимнинг ҳолати билан изоҳланади. Стресс ва иммун тизими ўртасидаги бевосита алоқа мавжудлиги исботлаган. Стрессга жавоб